АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТАБАҚАЛАНИШИ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ФИСКАЛ СИЁСАТ: РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР КЕЙСИ

Восиқов Улуғбек Алишерович,
Тошкент кимё халқаро университети
мустақил изланувчиси, PhD

Аннотация: Мақолада аҳоли даромадларининг табақалашуви ва унинг вужудга келишига сабаб бўлувчи омиллар тизимлаштирилган. Ривожланган давлатларда даромадлар тенгсизлигини тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари иқтисодий мактаб вакилларининг илмий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари баҳоланган. Жамиятда тенгсизликнинг шаклланиши ва уни баҳолашда илмий ёндашувлар таҳлил қилинган ва таснифланган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида илмий ёндашувлар шакллантирилган ва устуворлик касб этувчи жиҳатлар тизимлаштирилган.

Калит сўзлар: аҳоли даромадлари, камбағаллик, фискал сиёсат, даромадлар тақсимоти, даромад солиғи, ижтимоий ҳимоя, инсон тараққиёти, таълим, соғлиқни сақлаш

Annotation. The article systematizes the stratification of household incomes and the factors contributing to its emergence. It presents a comparative analysis of the distinctive features of income inequality regulation in developed countries, evaluating the unique characteristics of various economic schools of thought. Scientific approaches to understanding and assessing inequality in society are analyzed and classified. Based on the conducted research, scientific approaches have been developed and prioritized aspects have been systematized.

Keywords: household income, poverty, fiscal policy, income distribution, income tax, social protection, human development, education, healthcare.

Кириш

Фикримизча, ривожланган мамлакатларда даромадлар тенгсизлигини таъминлашда инсон тараққиёти омилларининг ўрни беқиёс бўлмоқда. Жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий-сиёсий омиллар шулар жумласига киради. Бу эса, давлат томонидан қатъий фискал сиёсати амалга оширилаётганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Жумладан, давлат бюджети харажатлари ҳисобидан ижтимоий хизматларни тақдим этишни самарадорлигини таъминлаш ва даромадларни тақсимлашда солиқ сиёсати элементларидан фойдаланиш муҳим эканлигини кузатиш мумкин.

Тадқиқотлар давомида айрим ривожланган мамлакатларда вужудга келган тенденциялар ва тажрибаларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Бу борада, ижтимоий сиёсатнинг юқори нотасини ўзида акс эттирган скандинавия давлатлари тажрибасини кўриб чиқишга эътибор қаратамиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

М.Вахлер ўзининг тадқиқотида ривожланган мамлакатларда даромадлар тенгсизлигига глобаллашув ва ички сиёсий таъсирнинг даражаси таҳлил қилади [1]. у ташқи савдо, хорижий инвестициялар ва молиявий оқимларнинг тенгсизликка таъсирини баҳолашга эътибор қаратади. Унинг фикрича, глобаллашув даромадлар тенгсизлигига ёки давлатнинг даромадларни қайта тақсимлаш сиёсатига таъсири мавжуд эмаслигини асослаб беради. Бироқ, ички сиёсий ўзгаришлар, фуқароларнинг сайловларда иштирок этиши, ҳукуматнинг партиявий таркиби ва

меҳнат муносабатларининг даражаси мамлакатларда даромадлар тенгсизлигига сезиларли даражада таъсир этиши таъкидлаб ўтилади.

Швеция ижтимоий сиёсатнинг шаклланишида ўзига хос жиҳатларини ифодалаб берганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, Ж.Пальменинг тадқиқотида Швециядаги тенденциялар таҳлил қилиб ўтилади [2]. Унинг тадқиқотида мамлакатда даромадлар тақсимотидаги фарқ жини индекси бўйича солиқдан олдин 0,45 ташкил этса, солиқлардан кейин 0,23-0,25 бўлганлигини аниқлайди. Шунингдек, Швецияда камбағаллик даражасини қисқартиришда ижтимоий нафақалар муҳим рол ўйнаши исботлаб берилади. Хусусан, камбағалликнинг 50 фоизга қисқариши ижтимоий нафақаларга боғлиқ эканлигини асослайди.

Бу борада, Ж.Клавус ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотда соғиқни сақлаш тизимини молиялаштириш ва унинг даромадлар тақсимотига таъсири таҳлил қилинган [3]. Уларнинг хулосаларида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришга қўшган молиявий ҳиссасига монанд равишда тиббий хизматлардан фойдаланиши ҳам тенг эканлигини, бироқ кам даромадли аҳоли қатлами кўпроқ фойдаланишга мойил эканлигини таъкидлаб ўтади. Шу боисдан, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш самарадорлигини ошириш орқали даромадлар тенгсизлигини камайтириш мумкинлигига эътибор қаратилишини мақсадга мувофиқлигини кўрсатиб ўтади.

П.Ройконен томонидан амалга оширилган тадқиқотда 1865-2019 йиллар оралиғида даромадлар тенгсизлигининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб беради [4]. 19-асрнинг охири ва 20-асрнинг бошида саноатлашишнинг ривожланиши фонида тенгсизликнинг ортганлигини таъкидлаб ўтади. Иккинчи жаҳон уруши давридан кейин юқори солиқ ставкаларининг жорий этилиши натижасида даромадлар тенгсизлигининг камайиши вужудга кела бошлаганлигини кўрсатиб ўтади. 1990 йилларга келиб эса, капитал эгаларининг даромадлари ошиши ортидан даромадлар тенгсизлигининг ўсиши юз беради. Ҳозирги кунга келиб эса. даромадлар тенгсизлиги бирмунча мўътадиллашганлигини кўриш мумкинлигини қайд этиб ўтади.

Ж.Бор ва бошқалар биргаликда амалга оширган илмий изланишда АҚШда даромадлар тенгсизлигининг ошиб бориш фонида аҳолининг соғлиқ кўрсаткичларининг ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиб ўтади [5]. Улар даромадлар тенгсизлиги юз берган бир пайтда аҳолининг ушбу гуруҳлари ўртасида ўртача умр кўриш давомийлигининг ҳам фарқланиши уйғун бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Бошқача айтганда, даромадлар тенгсизлиги ва саломатлик тенгсизлиги монанд эканлигини кўрсатиб ўтишади. Масалан, ўрта ва юқори даромадли АҚШ фуқаролари ўртасида ўртача умр кўриш узайган бўлса, камбағал аҳоли ўртасида умр кўриш давомийлиги ошмаган ёки пасайган бўлиб чиққан. Уларнинг хулосасига кўра, саломатликдаги тенгсизлик худлик билан бартараф этилмаса мамлакатда камбағаллик тузоғининг кучайиб бориши тайин эканлиги қайд этилади.

Таҳлил ва натижалар:

Швеция тажрибаси. Швецияда олиб борилаётган бирдамлик иш ҳақи сиёсати эътиборга лойиқдир. Ушбу сиёсатнинг моҳияти бир хил даражадаги касбий тайёргарликка эга, аммо иқтисодиётнинг турли тармоқларида - давлат ва хусусий корхоналарда банд бўлган ишчилар учун иш ҳақидаги фарқларни ижобий бартараф этишдан иборат. Бунда ҳал қилувчи ролни турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ходимларининг манфаатларига риоя қилишга эришган касаба уюшмалари ўйнайди. Яъни турли тармоқларда фаолият юритаётган бир хил касбий малакага эга бўлган ишчиларнинг иш хақлари, даромадлари ўртасидаги тенгсизликни камайтириш ва аҳоли даромадларини табақаланишувини олдини олишда касба уюшмалари

алоҳида ўрин эгаллайди. Аксарият Европа давлатлари (Германия, Ирландия, Франция, Италия) жамиятда ижтимоий кескинлик ва норозиликни олдини олиш мақсадида даромад солиғи прогрессив механизми орқали юқори ва паст даромадли фуқароларнинг даромадларини самарали тарзда тенглаштиради. Бу эса, ўз навбатида аҳоли даромадлари ўртасидаги тенгсизликни бартараф этишда муҳим ҳисобланади.

Энг бадавлат фуқаролардан солиқ воситалари орқали даромад олиш даражаси нисбатан юқори бўлган мамлакатлар (тадқиқотлар кўрсатишича тахминан 50%), улар томонидан қўлланиладиган мазкур сиёсат жамиятдаги ижтимоий барқарорликни сақлашда муҳим ўрин эгаллашини алоҳида таъкидлайди

Умуман олганда, Швецияда жорий тенденцияларда қуйидаги тажрибалар мавжуд эканлигини қайд этиш лозим.

Биринчидан, давлатнинг қайта тақсимлаш сиёсати. Бунда давлат солиқлар воситасида юқори даромадли аҳоли қатлами даромадининг маълум бир қисмини аҳоли кам даромадли қатламига қайта тақсимлашни амалга оширади. Бу эса, юқори даромадли аҳоли қатламига нисбатан прогрессив солиқ сиёсати амал қилишини кўрсатиб беради. Давлат бюджетига тўпланган маблағлар кам даромадли қатламга ижтимоий дастурлар орқали қайтадан тақсимланади. Жумладан, кам даромадли аҳолининг меҳнат фаолиятини амалга оширувчи қатлами 10-20 фоизгача солиқ тўласа, юқори даромадли қатлам 50-60 фоизгача солиқ тўлаши зарурлигини кўрсатиб ўтади.

Жисмоний шахсларнинг даромадлари икки босқичда солиққа тортилади. муниципиал солиқ (Kommunalskatt) жорий этилган бўлиб. Ушбу солиқ турини барча ишловчилар тўлашлари шарт ҳисобланади. Ҳудуд кесимида ўзгариши мумкин бўлган солиқ ставкаси 30 фоизни ташкил этади. Юқори даромадли шахслар учун давлат даромад солиғи (Statlig inkomstskatt) 2021 йил ҳолатида йилига 523200 швед кронаси (тахминан 47000-48000 АҚШ доллари)дан ортса муниципиал солиққа қўшимча ортган қисми учун 20 фоиз, 575000 швед кронасидан ортса, ортган қисми учун 25 фоиз давлат даромади солиғи тўлаши зарур бўлади.

Иккинчидан, иш берувчилар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқларҳам бўлиб, унинг ставкаси 31 фоизни ташкил этади. Ижтимоий солиқлар мамлактада ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштиришда муҳим манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур солиқнинг шаклланиши натижасида унинг қуйидагича қайта тақсимланишини кўриш мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ижтимоий солиқнинг қандай тартибда ижтимоий ҳимоя дастурларини молиялаштириши белгилаб берилган. Бу эса, ижтимоий ҳимоя дастурини бюджетдан молиялаштиришда ижтимоий адолат тамойилини рўёбга чиқаришда хизмат қилади. Бошқача айтганда, бюджетга ижтимоий солиқлар ҳисобидан жамғарилган малағларни аниқ тартибда ижтимоий ҳимоя дастурларини молиялаштириш назарда тутилган. Бу билан эса ижтимоий ҳимоя дастурига таъсир кўрсатувчи номонетар омилларни доимий мониторинг қилиш имконини беришини қайд этиш лозим.

1-жадвал

Ижтимоий солиқнинг қайта тақсимланиш ҳолати

Солиқ тури	**Ставка (%)**
Пенсия суғуртаси (Pension insurance)	10.21%
Тиббий суғурта (Health insurance)	3.55%
Ишсизлик суғуртаси (Unemployment insurance)	2.64%
Болалар нафақаси (Parental insurance)	2.60%
Ногиронлик ва ҳаёт суғуртаси (Survivor’s insurance)	0.60%
Меҳнатга лаёқатсизлик суғуртаси (Work injury insurance)	0.20%
Жами:	**31.42%**

Қайд этиш лозимки, ижтимоий солиқларни амалга оширишда айрим имтиёзли ҳолатлар мавжудки, уларнинг қўлланиши ижтимоий сиёсат самарадорлигини оширишга шарт-шароит яратади, деб ўйлаймиз. Жумладан, корхонадаги ишчиларнинг ёши 26 ёшгача бўлганда, пенсионерлар меҳнат қилганда иш берувчилар учун енгиллаштирилган солиқ ставкалари қўлланади. Бу эса, давлатнинг ижтимоий сиёсатига молиявий юкламани ошиб кетишига олиб келмаслигига хизмат қилади.

Финляндия тажрибаси

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда Финляндия тажрибасини ҳам ўрганишга ҳаракат қиламиз. Т.Саарима томонидан амалга оширилган тадқиқотда ижара ҳисобидан олинадиган даромадни тартибга солишга қаратилган илмий ёндашувлар ишлаб чиқилиши назарда тутилади [6]. Жумладан, ўрганилган даврда ижара ҳисобидан даромад 10 фоиз атрофида бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Умуман олганда, ижара ҳисобидан даромад Жини индекси бўйича тенгсизликни пасайтиришга хизмат қилган. Ижара бўйича белгиланган солиқ имтиёзлари давлат бюджети даромадларининг қисқаришига сезиларли таъсир кўрсатган. Шунингдек, уй эгаларининг молиявий манфаатдорлигини оширишга олиб келган. Шу боисдан, ижара ҳисобидан олинадиган даромадни солиққа тортишда даромадлар тенгсизлигини бартараф этиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтади.

Солиқ сиёсати жисмоний шахсларнинг даромадини солиққа тортишда прогрессив ставкаларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бунда юқори даромадли шахслар юқори даромад солиғини тўлайди. Шунингдек, капитал ҳисобидан молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларга ҳам солиқ белгиланган бўлиб, молиявий тенгликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда бир неча шаклларда амалга оширилади. Бунда муниципиал даромад солиғи (Kunnallisvero) ҳудудий давлат ваколатли органлари томонидан мустақил жорий этилади ва унинг ставкаси 19-21 фоиз трофида бўлади.

Шунингдек, давлат даромад солиғи ҳам мавжуд бўлиб, унинг ставкси табақалашган тарзда белгиланган. Унда даромадларнинг ўзгаришига мос равишда солиқ ставкаси ҳам ўзгариб боради.


Қайд этиш лозим, Финляндияда жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ солишда икки хусусиятни кўриш мумкин. Бунда инсонларнинг даромади ҳажми қанча бўлишидан қатъий назар бюджетнинг иккита манзили учун солиқлар тўланиши белгиланган экан. Бу эса, ижтимоий дастурларни амалга оширишда ишончли молиявий манбаларнинг шаклланишига шарт-шароит яратиб беради.

2-жадвал

Финляндияда давлат даромад солиғи ставкалари

Йиллик даромад (евро)	Солиқ ставкаси
0-18600	0 фоиз
18601-27900	6 фоиз
27901-45900	17,25 фоиз
45901-80500	21,25 фоиз
80501 ва ундан юқори	31,25 фоиз

Шунингдек, тиббий хизматлар учун ҳам алоҳида солиқ жорий этилган бўлиб, у тўғридан-тўғри соғлиқни сақлаш хизматларини молиялаштиришга йўналтирилади.



1-расм. 2012-2022 йилларда Финляндияда камбағаллик рискидаги аҳоли улуши [7], жинслар бўйича фоизда

Фикримизча, Финляндияда даромадлар тенгсизлигини бартараф этишда солиқларнинг қайта тақсимлаш воситаси сифатидаги роли муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу эса, солиқларнинг қатъий позиция билан амалга оширилиши ва ундирилишини таъминлаш асосида инсон тараққиётини ривожлантиришга йўналтириш ўзига хос аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунингдек, тиббий хизматларни мақсадли молиялаштиришда соғлиқни сақлаш учун алоҳида солиқ ставкасининг жорий этилганлиги тиббий хизматларнинг кенг кўламли аҳамиятини оширишга хизмат қилмоқда, деб ўйлаймиз.

Шу боисдан, мазкур давлатда инсон тараққиёти индексининг ривожланиши олдинги ўринларда туриши аҳамиятли ҳисобланади. Шундай бўлсада, мамлакатда камбағаллик рискида бўлган аҳоли қатламининг мавжуд эканлигини таъкидлаш лозим.

1-расмдан кўриниб турибдики, жинслар кесимида камбағаллик риски таҳлил қилинганда, аёлларнинг кўпроқ ушбу рискка усраши юқори бўлмоқда. Шундай бўлсада, 2020 йилда пандемиянинг кенг тус олиши оқибатида эркакларнинг камбағаллик тузоғига тушиб қолиш эҳтимоли ошганлигини кузатиш мумкин.



2-расм. АҚШда 1970-2022 йилларда Жини индекси [8]

Фикримизча, жамиятда даромадлар тенгсизлигини камайтиришда ижтимоий хизматлар учун мақсадли молиялаштиришни назарда тутадиган солиқларни жорий этиш ижобий натижа бериш мумкин экан. Шунингдек, камбағалликни аниқлаш ва баҳолаб бориш жараёнида жинслар кесимида амалга оширилиши ҳам муҳим рол ўйнар экан.

Фикримизча, даромадлар тенгсизлигини баҳолашда монетар хусусият касб этадиган даромадлар тенгсизлигини баҳолаш доим ҳам ўзининг асосли хулосаларни шакллантириб бермаслиги мумкин экан. Шу боисдан, даромадлар тенгсизлигини баҳолашда номонетар омиллар – таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа инсон тараққиётини шакллантиришга хизмат қиладиган кўрсаткичларни инобатга олиниши ва уларни рағбатлантиришни назарда тутилиши муҳим ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

АҚШ тажрибаси

АҚШ даромадлар тенгсизлигининг мавжудлиги сақланиб қолаётганлиги унга нисбатан монетар ва номонетар ёндашувларни биргаликда амалга ошириш заруратини кўрсатиб бермоқда. Умуман олганда, мамлакатда прогрессив солиқ ставкалари амалда бўлсада, юқори даромадли аҳоли қатламининг даромадлари ўсиши барқарорлик касб этмоқда. Натижада, аҳоли ўртасидаги даромадлар тақсимоти барқарор бўлишида айрим мураккабликлар вужудга келмоқда.

АҚШда федерал ва штатлар даражасида солиқ сиёсатида айрим фарқли жиҳатлар бўлсада, прогрессив солиқ ставкаси федерал даражада 10-37 фоиз оралиғида тебранишини таъкидлаш лозим. Масалан, 9950 долларгача бўлган даромад 10 фоиз солиққа тортилса, 523601 доллардан юқори бўлган даромад 37 фоиз даражада солиққа тортилиши белгилаб берилган. Умумий олганда, шу оралиқда даромадлар ҳажми ва солиқ ставкаси ўзгариб боришини кўриш мумкин.

Қайд этиш лозим, капиталдан олинган даромад ундан фойдаланиш ва молиявий манфаатдорлик даврига қараб ўзгаради. Масалан, бир йилгача бўлган даврда активлардан фойда кўриш федерал даромад солиқ ставкалари асосида солиққа тортилади. Узоқ муддатда фойдаланиладиган активлардан олинган даромадлар қуйидагича солиққа тортилади: 0-40400 доллар бўлса 0 фоиз, 40401-445850 доллар бўлса 15 фоиз ва 445851 доллардан юқори бўлганда 20 фоиз ставка билан солиққа тортилиши назарда тутилган. Шунингдек, мерсларнинг қийматига қараб ҳам меросхўрларга нисбатан даромад солиғи белгиланган. Масалан, мерос қиймати 11,7 млн. доллардан (2021 йил учун) ортиқ бўлганда солиқ ставкаси 40 фоизни ташкил этиши белгиланган.

Хулоса

Швеция тажрибасидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий ёндашувларимизни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Биринчидан, давлатнинг қайта тақсимлаш функциясини солиқлар воситасида амалга оширилишига қатъий эътибор бериш. Бунда даромадлар манбасини ва унинг ҳажмини инобатга олган ҳолда солиқ ставкаларини табақалаштириш.

Иккинчидан, бюджет даромадларининг айнан қандай ижтимоий дастурларни молиялаштиришга йўналтирилганлигини белгилаш орқали ижтимоий дастурларнинг манзиллилигини аниқлаштириш. Шунингдек, бир шахснинг индивидуал ва оилавий шаклда молиявий ёрдам олишининг қоидаларини ишлаб чиқиш.

Фикримизча, АҚШ тажрибасидан келиб чиқиб жамиятдаги тенгсизликни камайтиришда монетар ва номонетар омиллардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан:

Биринчидан, юқори даромадли аҳоли қатлами учун солиқ имтиёзлари мавжуд бўлишининг олдини олиш.

Иккинчидан, капиталдан фойдаланиш орқали олинадиган даромаднинг ҳажмига нисбатан солиқларни қатъий ставкада бўлишини белгилаш. Шунингдек, активлардан фойдаланиш даврини тасниф асосида солиқ ставкаларини табақалаштириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, меҳнат бозорида мувозанатни таъминлаш орқали кам даромадли аҳоли қатламининг даромадларини йўқотишлари олдини олишга қаратилган макроиқтисодий чораларни амалга ошириш.

Тўртинчидан, инсон тараққиёти ривожланишига сабаб бўлувчи омилларни даромадлар тенгсизлигини тартибга солишдаги ролини оширишга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

Тадқиқотлар жараёнида, аҳолининг кам таъминланган қисмини моддий қўллаб қувватлаш ва ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида, кам таъминланган фуқароларга ажратилаётган кредит маблағларини мустақил тасарруф этиш, таъминотчилар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ва ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида маблағларнинг маълум қисмини нақд пулда берилишини таъминлаш лозим деган ғоя тақдим этилган.

Аҳолининг турмуш даражаси ва сифати, аҳолининг ўртача жон бошига тўғри келадиган даромадлари (ойлик), аҳолининг ихтиёридаги реал даромадлари, шаклланиш манбалари, даромадларининг ҳажми ва тузилиши, аҳолининг пул жамғармаларининг ҳажми ва таркиби билан ифодаланади. Аҳоли даромадлари турли манбалар ҳисобига шаклланиб, аҳоли турмуш даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлар тизимига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ: аҳолининг жамғармалари, даромадлари ва харажатлари; ижтимоий ёрдам ва ижтимоий таъминот; яшаш учун зарур энг кам миқдор; аҳоли даромадларининг тақсимланиши; камбағаллик даражаси; уй хўжаликларининг яшаш шароити, даромадлари ва харажатлари; аҳолининг кутилаётган истеъмол миқдори ва даражаси шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Mahler, V. A. (2004). Economic globalization, domestic politics, and income inequality in the developed countries: A cross-national study. Comparative Political Studies, 37(9), 1025-1053.

2. Palme, J. (2006). Income distribution in Sweden. The Japanese Journal of Social Security Policy, 5(1), 16-26.

3. Klavus, J., & Häkkinen, U. (1996). Health care and income distribution in Finland. Health Policy, 38(1), 31-43.

4. Roikonen, P. (2022). Income inequality in Finland, 1865–2019. Scandinavian Economic History Review, 70(3), 234-251.

5. Bor, J., Cohen, G. H., & Galea, S. (2017). Population health in an era of rising income inequality: USA, 1980–2015. The Lancet, 389(10077), 1475-1490.

6. Saarimaa, T. (2011). Imputed rental income, taxation and income distribution in Finland. Urban Studies, 48(8), 1695-1714.

7. Share of people at risk of poverty in Finland from 2012 to 2022, by gender https://www.statista.com/statistics/526352/finland-people-at-risk-of-poverty-rate-by-gender/

8. Gini index - United States. https://data.worldbank.org/indicator/SI.POV.GINI?end=2022&locations=US&start=1963&view=chart